

**2020 йил 2 майда “Эл-юрт умиди” жамғармаси
томонидан ташкил этилган онлайн видеоконференциянинг
ПРЕСС-РЕЛИЗИ**

Бугунги кунда бутун дунёни коронавирус пандемияси қамраб олган бир шароитда “Эл-юрт умиди” жамғармаси хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан видеомулоқотлар, масофадан турли мавзуларда видеоконференциялар ўтказиб, дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда бўлаётган воқеалар кенг таҳлил қилиниб келмоқда.

Жамғарманинг навбатдаги онлайн видеоконференцияси **2020 йил 2 майда “Эл-юрт умиди” жамғармаси** қошидаги хориждаги ватандошлар иштирокидаги Халқаро экспертлар кенгашининг “Замонавий битирувчиларнинг жаҳон меҳнат бозори: таълим трендлари ва дизайнерлик ўйловлар, АҚШ ва Европа тажрибаси” мавзусида ташкил этилди.

Тадбирда **АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Германия, Бельгия ва Жанубий Кореяда** фаолият юритаётган жами **17 нафар** ватандош олимлар ва экспертлар иштирок этди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтлари билан бирга, ҳудудлардан 10 та йирик олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва илмий-тадқиқотчилари, **жами 200 дан ортиқ** иштирокчиларнинг ўз уйларида **ZOOM конференц алоқа тизими** орқали уландилар.

Видеоконференцияда Ўзбекистонда ва дунё мамлакатларида коронавирус балосининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кенг таҳлили билан бир қаторда, фурсатдан фойдаланиб бугунги кунда мамлакатимизда энг долзарб бўлган Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши, меҳнат бозорида иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари, жаҳон меҳнат бозорида таълим трендлари ва унинг таҳлили, мазкур масалаларда АҚШ ва Европа қиёсий таҳлили каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Шу билан бирга, видеоконференцияда ватандош-экспертлар сафидан **АҚШ Брайант университети доктори Элзотбек Рустамбеков** ҳамда **Бельгия Юнайтед Бизнес Институти факультет декани доктор Мунира Аминоваларнинг** олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши, жаҳон меҳнат бозори трендлари АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси, эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларига бағишланган тақдироти билан бошланди. Тақдиротда талабалар олий таълим муассасаларига қабул қилиш, шунингдек, иш берувчи талабаларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиладиган энг зарур фанларни ўқув режасига киритиш, талабалар амалиётини ташкил этиш тартиби, ўқишни битиргач меҳнат бозорида талабалар ўз ўрнини топиши билан боғлиқ тавсиялари берилди.

Видеоконференцияда **олий таълим муассасаларида масофавий таълим беришнинг илғор хориж тажрибалари**, уни ташкил этиш ва талабалар билимини баҳолаш технологиялари хусусида ватандош-экспертларнинг билим, кўникма ва тажрибалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига таклиф ва тавсиялари берилди.

Шу билан бирга, келгусида бу каби тадбирлар олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, шунингдек, **Марказий Осиёда Ўзбекистонни олий таълим олиш хабиға** айлантиришига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси Халқаро экспертлар кенгаши ҳар ойда камида икки маротаба онлайн видеоконференция воситасида мулоқот юритади, олий таълимга оид

тегишли таклиф ва тавсияларни бериб боради, онлайн мастер-класслар ва брейн-сторминглар ташкил этади. Онлайн видеомулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари вакиллари фаол иштирок этадилар.

Маълумот учун:

“Эл-юрт умиди” жамғармаси мутахассисларни хорижда тайёрлаш билан бирга, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган катта илмий ва амалий тажрибага эга ватандошлар билан мулоқотлар ўрнатиш унинг энг асосий вазифалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан мулоқот қилиш, ватандошларни Ўзбекистон Республикасидаги кенг қамровли ислохотларга жалб этиш, хорижий давлатларда Ўзбекистон Республиканинг халқаро нуфузини, имиджини ошириш ва мустақамлашга амалий ёрдам бериш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан бир қатор амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2020 йил 14 мартда АҚШ, Канада, Бельгия, Австралия, Жанубий Кореяда истиқомат қилаётган, катта илмий ва амалий тажрибага эга **15 нафар** ватандошлар билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузурида Халқаро экспертлар кенгашининг таъсис видеоконференциясини ўтказган эди.

Халқаро экспертлар **Кенгашнинг асосий мақсади** – мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни олий таълим муассасалари амалиётида кенг қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш, олий таълимга оид меъёрий-ҳукукий ҳужжатларнинг экспертизасини ўтказиш асосида олий таълим сифатини оширишга қўмаклашишдан иборат.

Жумладан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси қошида ташкил этилган Халқаро экспертлар кенгаши **жорий йил 4, 14, 18 ва 24 апрел** кунлари ҳам видеоконференциялар ўтказди. Мазкур видеоконференцияларда “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузуридаги Халқаро экспертлар кенгаши аъзолари, жамғарманинг хорижда таълим олаётган стипендиатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул бошқарма бошликлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтлари ректор, проректорлари ва профессор-ўқитувчилари билан бирга жами 300 нафардан зиёд иштирокчилар қатнашган эди.

Видеоконференцияларда **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, молиявий ўз-ўзини бошқаришга ўтган ОТМ** фаолиятини ташкил этиш ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида “Кредит-модуль” тизимини жорий этиш масалалари, тегишли йўналишлар кесимида ўқув режалари, фанлар ва уларга ажратилган соатлар, талабалар учун ҳафталик ўқув юкламаси, семестрга ажратилган фанлар ва унинг соатлари, ўқув йилига режалаштирилган умумий соатлар, профессор ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилар илмий ишларини нуфузли журналларда чоп этиш, ОТМ илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш каби масалалар муҳокама этилди ҳамда ватандош-экспертларнинг мазкур масалалардаги таклиф ва тавсиялари юзасидан очиқ ва самимий руҳда видеомулоқотлар бўлиб ўтган эди.

Навбатдаги онлайн видеоконференциялар “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан жорий йилнинг **16 май куни** ташкил этилиши ҳамда унда илғор кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили сифатида олий таълим ва реал иқтисодиёт ўртасида алоқаларнинг ташкил этилишининг илғор хорижий тажрибаси муҳокама этилади.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси Матбуот хизмати